

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ЁРҚИН ТАНТАНАСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 54 (5345).
5 МАРТ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1986 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОММУНИСТИК ИДЕАЛЛАРГА САДОҚАТ РАМЗИ



МОСКВА, 4 март. СССР Олий Советига сайлов. К. У. Черненко билан Н. А. Тихонов ўроқлар сайлов участкаларида. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Тошкент, 4 март

РЕПОРТАЖ

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕХНАТКАШЛАРИ САЙЛОВЛАРДА ВАТАН УЧУН, ПАРТИЯ УЧУН, КОММУНИЗМ ТАНТАНАСИ УЧУН ЯҚДИЛЛИК БИЛАН ОВОЗ БЕРДИЛАР

Кеча шаҳар жуда эрта уйғонди. Байрам кайфияти ҳамма жойда сезилиб турарди. Кўчаларда қўйлар янғиради. Ҳар қачондан ҳам кўра тантанали кайфият ҳукм суради. Ҳа, Тошкентнинг минг-минглаб аҳолиси миллионлаб совет кишилари сингари сайлов участкаларида бордилар: негати СССР Олий Советига сайловлар кунини эди. Бизни сайлов участкаларида участка комиссиясининг аъзолари ҳушнуд кутиб олдилар. Овоз бериш учун бюллетень тарқатар эканлар, хоналар томон йўл оламиз.

— Давлат ҳоқимиятининг

олий органига сайловларда бир неча бор иштирок этдим, — дейди Е. А. Перлин. — Лекин ҳар сафар ҳаяжонланаман. Бу тушунарли, албатта. У бироз нафасини ростлаб олди. Ефим Александрович 80 дан ошди. У 1924 йилдан — Ленин қаҳригадиган буён КПСС аъзоси. Мария Ильинична Ульянова билан бўлган урғушуви бир умр ёдимдан чиқармайдди. Уни ўқувчилар ҳам яхши билишди. Хуллас, у кўпни кўрган. Шунинг учун ҳам агитпунктларда сайловолди кампанияси даврида бир неча бор суҳбатлар ўтказди.

Сайловлар арафасида меҳнат коллективлари ва ўқув юртыларида бўлиб ўтган ягона сиёсий кун ёдимизга тушди. Буниса Мамаева Айменова сўзларини тинглаганимизда уша кунни беихтиёр эсладик. У шундай деди:

— Бугун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмоновнинг учун овоз бериш эканми, биз совет демократиясининг тантанасини аниқсиз аяқол ҳис этдик. Ягона сиёсий кун мавзуси ҳам худди шу мавзуга бағишланган эди.

Мен бошқа бир нарса ҳақида ҳам ўйладим. Бундай кишилар ажойиб тақдирлар ҳақиқий, амалдаги демократиямизни ёрқин кўрсатиб турибди. Олдий ишчи, «Малина» трикотаж бирлашмасининг бригадари В. М. Айменова 2 миллионлик Тошкентда энг таниқли кишилардан биридир. У Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси томонидан маъқулланган тўққиз илгор бригада ташаббускорларидан биридир. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига меҳнат уюмдорлигини планга қўшимча суръатда ошириш ва маҳсулот таннарини намайитириш эвазига меҳнат уюмдорлиги бўйича беш йиллик тошпиринини шу шонли санагача бажаришга аҳд қилишди. Бу ташаббусни пойтахтнинг минг-минглаб меҳнаткашлари қўллаб-қувватладилар.

600.Тошкент-Ленин сайлов округи сайловчилари кеча яқдиллик билан Каромат Ёқубовга овоз бердилар. Унинг ҳам минглаб издошлари бор. Совет хотин-қизларининг баҳти гулгун: мактаб, хунар-техника билим юртылари, техникумларда таълим олмақдалар, яхши мутахассис бўлиб еттишмоқдалар. Уларнинг орасида ишлаб чиқариш илгорлари, эл-юрт ўртасида обрў қозонганлар жуда кўп. Каромат Тошкент тўққимачилик комбинатининг тўққучисидир. Катта инжон

изланиш, меҳнат, ўз маҳоратини муттасил ошириб бориш унга катта муваффақиятларга эришиш имконини берди. Ҳозир нормалари 17 ўрнига 42 дастгоҳга хизмат кўрсатмоқда.

Бундан ташқари катта жамоатчилик ишларини олиб борапти. Ешларга мунтазам ёрдам кўрсатмоқда. Айни пайтда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент тўққимачилик ва енгил санаят институтида ўқимокда. Яқинда инженер бўлади.

Бундан 80 йил муқаддам чор ҳукуматининг комиссияси Туркумтабда таълим масаласини текшириб, шундай хулосага келган эдики, ўлкада бор-йўғи 3 процентга яқин аҳолини саводли қилиш учун эса хомшўтга кўра уч ярим минг йилдан зиёдроқ вақт керак бўлар эмиш!

(Давоми 2-бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА УТҚАЗИЛГАН САЙЛОВ СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ, ДУНЕДА ЭНГ ХАЛҚЧИЛ ТУЗУМИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАЙРАМИ БУЛДИ. САЙЛОВ ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ МЕТИНДЕК БИРЛИГИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТДИ. БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИ БИЛАН БИРГА ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТКАШЛАРИ ҲАМ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ МУНОСИБ ВАКИЛЛАРИ УЧУН, КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БУЗИЛМАС БЛОКИ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ЯҚДИЛЛИК БИЛАН ОВОЗ БЕРДИЛАР.

БУНЁДКОРЛИКНИНГ ШОНЛИ БОСҚИЧЛАРИ

В. О. КОЗИМОВ,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси.

Кеча миллионлаб совет кишилари халқнинг энг яхши вакиллари, муносиб ўғил ва қизлари учун овоз бериш учун байрам кайфиятида сайлов участкаларига келдилар. Республикаимиз пойтахтида СССР Олий Советига сайловлар юксак гоъвий-сиёсий ва ташкилий даражада ўтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Москвадан Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан сайловолди урғушувда сўзлаган нутқидан илҳомланган Тошкент меҳнаткашлари бундан буён ҳам партия қарорларини қатъият билан ҳаётга тадбиқ этишга, Ватанимизнинг иқтисодий қудратини ошириш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларини қилишга қатъий азму-қарор қилдилар.

Мамлакатимизнинг олий давлат органига аввали сайловдан бери ўтган даврда биз кўп ишларни қилдик. Шунини айтиш кифояки, Тошкент етти марта КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўмаки билан байроғини қўлга киритди. Ҳамшаҳарларимиз бундай юксак мукофотга жуда муносибдилар, chunki шаҳримизда саноат ишлаб чиқаришининг ўзи бу даврда 130 процент ўсди. Беш йил мобайнида планга қўшимча қарийб 300 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бунинг яримдан кўпи кенг халқ истеъмоли буюмларидир. Тошкентнинг саноат базаси ҳозир ҳар вақтдагидан ҳам қудратлидир. Қўйидаги рақамларни келтираман: шаҳар корхоналари бир кунда 537 миң погон метр ип-газалама, 68 та трактор, 28 та пахта териш комбайни, 242 миң сўмлик мебель, кўпгина бошқа маҳсулотлар тайёрламоқда.

Бугунги кун план тошпиринларини бажарар эканми, биз бир дақиқа ҳам шаҳар экономикасини юксалтириш иштиробларини унутмаймиз. Заводлар ва фабрикаларда, саноат бирлашмаларида ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш жадал суръат билан давом этипти. Турли хил ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш фақат бир йилнинг ўзида 26 миллион сўмлик иқтисодий самара беради, қарийб 3,5 миң кишини бошқа ишларга ўтказиш имкониятини яратди. Бу йўналишдаги ишларни келгусида ҳам кучайтириш керак. Ўртоқ К. У. Черненко сайловолди йиғилишида таъкидлаб ўтганидек, «Биз фан ва техниканинг замонавий ютуқлари асосида халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини тез ва уздуксиз янгилашни таъминлашимиз мутлақо зарур. Бу бизнинг туб масалаларимиздан биридир. Бунинг жамият тараққийини тасаввур этиш амри маҳол».

Ишлаб чиқаришни бошқаришни, бутун хўжалик механизмининг такомиллаштиришга катта эътибор бериш лозим. Ҳозир Тошкентнинг бир қатор саноат корхоналарида катта миқёсдаги иқтисодий эксперимент ўтказилляпти. У ҳамма жойда ҳам силлиқ кетаяпти деб бўлмайди, лекин энг муҳим эксперимент шароитида ҳуқуқлари анча кенгайтирилган меҳнат коллективларининг ҳали аниқланмаган имкониятлари борлигига бизда ишонч ҳосил бўлмоқда.

Ҳамшаҳарларимизнинг экономика соҳасидаги муваффақиятлари ҳақида гапирганда, қурувчилар тўғрисида илиқ сўзлар айтмаслик

мумкин эмас. СССР Олий Советига аввалин сайловдан бери ўтган даврда бу соҳага 3,6 миллиард сўм ажратилди. 3,2 миллиард сўмликдан ортиқ асосий фондлар ишга туширилди. Улар янги турар жой микрорайонларида ўз йфодаларини топди...

В. И. Ленин номида СССР халқлари дўстлиги саройи, Кино уйи, «Москва» меҳмонхонаси, «Главпочтамт», ўйлаб бошқа бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди. Пойтахт метрополитени тармоғи анча узайди, унинг навбатдаги участкаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига ишга туширилди. Шаҳарда янги йўл ўтказгичлар, тоннель йўллар, тез юрак транспорт магистраллари фойдаланишга топширилди.

Турар жой фонди ҳам ўсди. Ўтган беш йилликда 4 миллион квадрат метр турар жой қурилди. Мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, шифонахалар, поликлиникалар, маънавий хизмат объектлари тармоғи кенгайди. Мактабларда ҳозир бундан беш йил аввалдагидан 51 миң ўқувчи кўпроқ ўқини мумкин, уларнинг кўпчилиги бир сменада ўқийди. Стационар тишдаги тиббий муассасалардаги ўрилган соми 4800 ўрнига кўпайди. Чакана савдо корхоналари майдони 225 миң квадрат метрдан ортиди. Умумий оққатланш корхоналари ҳозир 155 миң ўрнига эга.

Шаҳримизда транспорт янада ривожланмоқда. 41 та трамвай-троллейбус, 85 та шаҳар ва 34 та шаҳар атрофида қатновчи автобус маршрутлари ишлаб турибди, маршрутлик таксилар 34 йўналишда хизмат қилмоқда. Беш йил мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 21,7 процентга ортиди. 45 километр узунликда трамвай-троллейбус йўллари ва линияси ётказилди, яна бир автобус парки фойдаланишга топширилди. Метрополитен хизматида 140 миңдан 270 миң нафаргача йўловчи баҳраманд бўлмоқда.

Кўп ютуқларга эришдик, лекин шу билан қаноатланиб қолш ярамайди. Бу республика пойтахтининг ҳар бир меҳнатқашига тушунарли. Айнан шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш коллективлари меҳнат уюмдорлигини планга қўшимча қилишда 1 процент ошириш ва маҳсулот таннаринини қўшимча 1 процент арзонлаштириш бўйича оширилган социалистик маъмуриятлар қабул қилинган. Маълумот учун шунини айтишимиз мумкинки, бу қўшимча шаҳар миқёсида 13 миллион сўмни тежаш, 38 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 800 миң сўмликни ташкил этади ва аҳолига 400 миң сўмлик кўп маънавий хизмат кўрсатилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг олий давлат органига сайловлар кампанияси тугади. Лекин бундан буён ҳам иш суръатини суъайтирмаслик керак. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко сайловчилар билан урғушувда айтганидек, «Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, гоёт кенг меҳнаткашлар оммасининг ташаббускорлиги ҳамда ижодкорлиги ўзининг бутун самарадорлиги ва кучи билан намоён бўлисин».

Экономика, маданият, санъат соҳасидаги вазифаларини ҳал этишга айнан шундай позициялардан ёндашиш зарур.

Деҳлига бораётиб

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР муҳофизат министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов расмий визит билан Ҳиндистон Республикасига бораётиб 4 март кунин Тошкентда тўхтаётди.

Тошкент аэропортида Д. Ф. Устиновни ва сафардан унга ҳамроҳлик қилаётганларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И. Б. Усмонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Ф. Ҳ. Қодиров, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Музахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ҳ. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудов

ва, У. У. Умаров ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Д. Ф. Устинов В. И. Ленин ҳайкали пойнта гуллар, Номаълум соғдат қабрига гулчамбар қўйди. У Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби Ш. Р. Рашидов қабрига ҳам гуллар қўйди.

Шу кунин Д. Ф. Устинов шаҳар бўйлаб сайр қилди. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройини кўздан кечириди. (ЎзТАГ).



БИРИНЧИ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР

мандасини ҳам мағлубиятга учратди. РСФСР терма командаси қийин аҳолига тушиб қолди. Ўтган йилги турнирда фахрлий иккинчи ўринни эгаллаган россиялик футболчилар венгриялик тенгдошларидан 0:6 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Иккинчи учрашувда эса улар руминиялик ўсимларни 1:0 ҳисобида енгдилар. Венгриялик футболчилар Украина терма командаси дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритдилар.

«Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинасозлик заводиди Мозабег Халқ Республикасида ўтказиладиган «Илгемаш — 84» халқаро ёши кўргазмасига юборилган машиналарни тайёрлашга киришилди. У ерга иккита пахта тазалаш машинаси ҳамда иккита платформа жўнатилади. Корхона бу йил ҳозирги мамлакатларга салкам 100 миң сўмлик маҳсулот жўнатиш буюртмасинин олган.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинасозлик заводиди Мозабег Халқ Республикасида ўтказиладиган «Илгемаш — 84» халқаро ёши кўргазмасига юборилган машиналарни тайёрлашга киришилди. У ерга иккита пахта тазалаш машинаси ҳамда иккита платформа жўнатилади. Корхона бу йил ҳозирги мамлакатларга салкам 100 миң сўмлик маҳсулот жўнатиш буюртмасинин олган.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг республика таъсирий санъати бўлими залларига аёлларимизни узугувчи бир қатор асарлар намоёнига қўйилди. Улар орасида Ўзбекистоннинг истеъодли rassomлари Ш. Ҳасановнинг «Ваҳори ишлар», Ўзбекистон ССР халқ rassomлари Н. Қашинининг «Тўқи дам олимда», «Звено ютуғи», З. Ковалескаянинг «Ўзбек қизлари театрида», А. Волковнинг «Пахтакор қизлар», Р. Аҳмедов, Р. Чориевларнинг бир қатор асарлари бор.

ОБ-ҲАВО

Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 1 даража иссиқ бўлди. Кечаси ҳаво вақти-вақти билан бузулганлиб турсада, ёнгарчилик бўлмайдди. 2—4 даража совуқ бўлади. Кейинги икки кун мобайнида ҳаво бир оз булдулли бўлса-да, ёнгарчилик бўлмайди. Шарддан секундида 3—8 метр тезлик билан шамол эсади.



ТОШКЕНТ, 1984 йил 4 март. Республика пойтахтининг Октябрь районида жойлашган сайлов участкасига биринчилар қаторида уруш ва меҳнат ветеранлари келдилар. М. Нуриддинов фотоси.

Бокс бўйича СССР чемпионати

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Кеча «Юбилейний» Марказий спорт залида бокс бўйича 50-мамалякват шахсий биринчилиги мусобақалари ниҳоятсига етди. Чемпионат мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари учун шу йил Лос-Анжелес шаҳрида ўтказилган XXIII-Олимпикда ўйинларига тайёргарлик кўришда ўзига хос сино вазифасини ўтади. 1984 йилда мамлакат чемпиони ушонини қўлга киритганларни маълум қиламиз: Г. Абдурахмонов (Қозғистон ССР), Ю. Вилишчук (Украина ССР), Ю. Александров (РСФСР), С. Нуркеев (Қозғистон ССР), Н. Абдуҳаликов (Қирғизистон ССР), В. Шишов (РСФСР), С. Қўноқбоев (Қозғистон ССР), А. Акулов (Белоруссия ССР), А. Климов (Қозғистон ССР), Р. Трищев (Ўзбекистон ССР), А. Ягубкин (Украина ССР), В. Абаджон (РСФСР).

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

ДЎСТЛИК ДАСТХАТИ

ТУРКУМ

КЎРКАМ КОШОНАМ

Салом, Тошкентим, қадимий Шошим,
Шарқим машъали, кўркам кошонам,
Умримдай боқий оптин кўёшим,
Давримдай уйғоқ меҳрибон онам.
Пойтахтлар кўндир бу жаҳон аро,
Нақадар зебо, нақадар буюк,
Ўзбекистоним — бетакрор маъво,
Ўзбекистоним — бетакрор маъво!
Тошкентим руҳи кезади дунё,
Тамкир бўлиб у сўйлар афсона,
Офтоб қалбидан таратар эни,
Бахтини кўшиб куйлар замонга.



Мен берман, кўёш бор,
Абадул ҳаёт!
Муҳаббатим бўлиб
Кирдинг қалбимга!

ЖАСОРАТГА ОБИДА

Тоғлар кўча тоғ бошидан тош
келади,
Дил бўласа шахло кўздан ёш
келади,
Эр кўзгалди, эл кўзгалди сипласан,
— Дил силкинди, қалбга кўчди
эмилмаси,
Офтоб нури таралгандай оламларга,
Учди хабар олам аро одамларга,
Яшми-ёмон кунда синанг нисон бўлса,
Жон беради, гар дўст бўлса —
виждон бўлса,
Шафақ ёнди, кўёш кўлди, балқиб
келади,
Оғайнлар кўёш мисол қалқиб келди,
Уйғон, Тошкент, бағрингни оч,
Дўстларинг кут,
Қалбим олов, меҳрибон кўзларинг
кути!
Меҳр кўлим чўзди сенга бутун
ўлка,
Бошинг силаб, толе тилаб тўтди елка!
Улкам узра эгинг иқбол тоғи отди,
— Нури ҳаёт, ширин аилот тоғи отди!
Омон бўл, эй, нигоҳида гавдар
элим!
Кўлларин гул, қалбим дарё, заргар
элим!
Осмон ўлар мюратлар, уй муборак,
Янги уйда шодибона тўй муборак!

ОНА АЛЛАСИ

Уйғоқдир кўзим,
Ором ол, кўзим,
Бошингда парванонам,
Ургулай ўзим,
Тунинг кўзи йўқ,
Ерда ким йўқ,
Онағдай бедор туриб,
Айтар сўзи йўқ,
Асалим, болам,
Сенда ҳаёлим,
Ухла, болам, сенда кўрғим,
Умрим, иқболим!
Гулим гул банди,
Дилким дилбанди,
Камол топиб бўл, бағрим,
Элим фарзанди!
Хур замонам бор,
Гул кошонам бор,
Меҳрибоним партия, —
Бахтинг оёғим бор.

ТАБАРРУК ТУПРОҚ

[ОҚ ШЕЪР]

Саҳар кетди сесаниб ногоҳ,
Ўзлимни топмади сабуҳий шамол,
Тўқилди ўриқлар гуллар эрга,
Чанг, тўзон қоплади уфқ этакларини,
Ер депсиниб кишади отлар,
Егочлар отлиб тўшди томлардан,
«Нима гап, тинчликми!»
Кайдасан, калпир!»
«Хасасинг йўқотиб, кўлайди чол ҳам,
«Кўзичоғим кўрима,
Онаг ёнингдай!»
«Бийасига олар ўқини Она,
Юрагим ҳовулаб уйғонар Шаҳар!
Тошкент турди ўрнидан мажруҳ,
— Бу не ҳолат, қодир табиат,
Жавоб бер сен одил саволларимга,
Бу қандай фалокат,
Бу қандай бало!
Йўқотди оромим борки тирик жон,
О, она Замин, нечун безоватсан,
Қоловатинг қайда, мунисам!
Тинчлик,
Тинчлик,
Табарруқ тупроқ!
Мен-ку сенинг фарзандинг содиқ,
Сен ёлғиз эмассан,
Эмассан танҳо,

ТОНГ ВА БОНГ

Она юртим, Ўзбекистон — дўстлик
боғи,
Олтин ўлкам иқбол кўйинг тонгдан
бошлар,
Шафақларинг ёндирди бахт чироғи,
Истиқболга партиямак олга бошлар!
Нақорат,
Тошкент — ҳаёт нақори,
Тошкент — дўстлик дёғри,
Бахтимиз, шўратимиз,
Тошкент — тинчлик бақори,
Гўзал Тошкентим курангдан отадин
тонг,
Ватан мадҳи, дўстлик сеҳри
ёдидадир,
Қалблар аро жаҳон бўйлаб уради
бонг,
Она шахрим қардошлиққа обидадир!
Нақорат,
Етти иқлим олиқшлади тўйимизин,
Буюк Ленин шуридан қалбда гурур,
Олга йўллар Ватан ишқи, кўйин бизин,
Бахт кўшим — партияга минг
ташаккур!
Нақорат.

Газетхон илҳомлари

Тўртликлар

Кечадан бугунинг ортироқ кўрдим
Бугунинг эртасин яхшироқ
кўрдим,
Босилган йўлларим ойдан ва
равшан,
Келажаким яна яхшироқ кўрдим,
Бировнинг қудрати филга чов
ургай,
Бировнинг ўз тили бағрин
қовургай,
Биров меҳнат билан оптин
кўтарса,
Бировни феълли бад елга совургай.

БАҲОР

Япроқларнинг юзидан аста,
Шўхлик қилиб сабо ўпади,
Кўлардаги айвон гулдаста,
Ял-ял ёниб, қалбга кўчади,
Туйғуларга бўламан асир,
Кўшлар бахтим иттир овоза,
Гўзалликка ташна нигоҳим,
Табатдан излар андоза,
Бу чиройга бўлиб маъна,
Рўҳда енгиллик сезаман.

Юзларимда ўйнайди энб, Мудом гулшан аро кезаман.

ФУРУР

Яна тўшди кўчанга йўлим,
Умидларим барқорор ҳамон,
Гўё недр тугганча кўлим,
Етаклайди кўчанга томон,
Сен хонангдан чиққанда ногоҳ,
Тўшмасин деб уларга кўзинг,
Келганимдан бўлса деб оғоҳ,
Изларимни ўчирдим ўзим,
Васила НАСРИДИНОВА.

ЛУҚМА

Ажаб савдо бўлди эрталаби
Эдагилар ишга барвақ кат-
тин учун Зухриддин ўлим
билан қизини етлабди боғчага
йўл олди.
«Бул боғча, боғча дарвозаси ол-
дида қорачадан келган, сансо-
вулдек қотна бир аёл кўндала
дефтар-қалам ушлаб турар-
ди»
— Тўхтаг, — деди у Зух-
риддиннинг йўлини тўсиб, —
ўғил-қизларингизни боғчага
олиб келивсизми!
— Ҳа,
— Беш сўм қизингиз учун,
беш сўм ўғилнигиз учун чў-
зиб қўямин...
— Ниммага! — ҳайратда кол-
ди Зухриддин,
— Билмайсизми! — менсим-
гандай кўзини лўқ қилди аёл.
— Сажинини март! Боғча

опаларга совға-салом қилиши-
ми керак... Фақатнингиз
айтинг.
Зухриддиннинг бундай
муомаладан дили оғриди:
— Тўхтаг, — деди у ўзини
зўрга босиб, — сиз шу боғчада
ишлайсизми!
— Йўқ, мен ота-оналар но-
мадан пул йиғиб, тарбиячи-
ларга совға оламан, шунга ке-
лишганимиз.
Зухриддиннинг лол бўлиб
қолди. Қиз билан ўғил олди-
да айла пул беришни одобдан
билмай, айла илтижо қилди:
— Яшми, мен болаларни тар-
биячига топшириб чиқай, сўра-
ганингизни бераман.
— Хўп, лекин боғчининг этак
томонда кичкина эшик бор,—
деди гапни кесиб сўзларини
аёл,— яна ўша ёқдан жуф-

Осиё, Африка ва Ло-
тин Америка мамла-
катлари VIII Халқаро
Тошкент кинофестива-
ли бошланганда кун
тобора қийинлашмоқда.
Киноахшнинг Таш-
кент комитети, Бош
дирекцияси таяёр-
лик ишларини авж ол-
дириб юборди. Уч
кўндалда кўнгална
мамлакатлардан фести-
валда қатнашиш истаги
билдирилган хабарлар
келиб турибди.

1968 йили бўлиб ўт-
ган Осиё ва Африка
мамлакатлари I Халқ-
аро Тошкент фестивал-
ида икки кўнгалдан 49
мамлакат иштирок эт-
ган бўлса, икки йил
муқаддам бўлиб ўтган
VII кинофестивалда
жаҳоннинг уч қитъаси-
дан юзга яқин мамла-
катлар ва халқлар та-
шилотлар ўз киноса-
рлар билан қатнашди.
Ана шу фактинг ўзи-
ёқ Тошкент фестивали-
нинг обрў-этибори
йилдан йилга ўсиб бо-
раётганидан даволат
беради.

Тошкент фестивали
заминида социалистик
Бетнам, Афғонистон,
Бангладеш, Ангола,
Мозамбик, Сенегал,
Марокаш, Жапон, Ту-
нис, Никарагуа, Чили
ватанпарвар кўчларин-
инг кинематогра-
фияси шаклланиб бор-
моқда.
«Мен ҳар бир Тош-
кент кинофестивалини
интервиктор билан кута-
ман,— деган эди таниқ-
ли ахш кинорежиссёри
Мринал Сен,— чунки
фестивалнинг «Тинч-
лик, социал тараққиёт
ва халқлар озолини
учун» широри Осиё,
Африка ва Лотин
Америка мамлакат-

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА



лари халқларнинг ор-
зу ва умидларини ифо-
далайди» Тошкент фести-
валлари йилдан йилга
уч қитъа прогрессив
киносанъаткорларин-
инг тинчлик ва озоли
учун кураш мақ-
сабига айланиб бора-
пти. Бу борада кино
санъати аяча тараққий
этган Япония, Хиндус-
тон, Миср, Туркия кино
арбоблари яратаёт-
ган прогрессив йўна-
лишдаги киноса-
рлар айниқса характерли-
дир. Тараққиётпарвар япон
кинематографчида р и
хар қандай таъинча
қарамасдан мамлакат-
нинг милитаристик йў-
лини қораловчи фильм-
лари кўллаб яратмоқ-
далар. Акира Куро-
са, Сацуо Ямамото,
Ейзу Амада, Кането
Синдо ва бошқалар
нинг фильмлари шулар
жумласидандир. Улар
тинчлик бағригизни да-
дил баалад кўтармоқ-
далар. Бу ўринда Са-
цуо Ямамотонинг
«Уруш ва одамлар»
фильми яқинда харак-
терлидир. Режиссёр
кўрғинасда япон ми-
литаристларнинг Хол-
лин-Гол дарёси олдида-
ги мағлубиятини ҳа-
жонли кадрларда кўр-
сатар экан, ҳар нан-
дай агрессиянинг аяч-
ли оқибати ҳақида ўй-

Тошкент фестивал-
лари Лотин Америка
мамлакатлари кино-
санъаткорлари учун
ҳам ниҳоятда қиммат-
ли бўлмоқда. Улар
1976 йили ўтказилган
IV Халқаро Тошкент
кинофестивалидан бо-
шлаб расмий равишда
қатнашиш келмоқда.
Уларнинг кураши, ор-
зу ва иштироки мо-
ҳияти Тошкент фести-
валининг широрида ёр-
қин аяқ этган. Шу са-
бабли улар Тошкент
ажумалларида ишти-
рок этишни ўзларига
фахр деб билишлар.
Куба, Мексика, Ника-
рагуа, Чили Ватанпар-
вар Кўчлари, Аргенти-
на киносанъаткорлари
нинг Тошкент фести-
валига тасвир этган
картиналарида умим-
нонсий гоилар илгари
сурилган.
Уч қитъадан прогрессив
киносанъаткорлар
энг янги, ақолий карти-
наларини VIII Халқаро
Тошкент фести-
валига олиб келиш-
га катта таяёрлик
қилишмоқда. Ўзбекистон
пойтахти меҳнат-
нашлари уларни «Хўш
келибсиз!» дея шод-
хурамлик билан кўтиб
олади.
Э. ИСМАТУЛЛАЕВ,
VIII Халқаро Тош-
кент кинофестивали
матбуот марказининг
хотими.

Тошкент фестивал-
ларида Африка қитъа-
сидаги мамлакатлар-
нинг киноса-
рлари ҳам
алоҳида ўрин тутмоқ-
да. Асрлар мобайнида
мустанлақчилик зулми
санъатларини ривож-
лантира олмаган Афри-
ка халқлари эндилик-
да санъатнинг барча
тувлари қатори кино-
санъатларини ҳам та-
раққий эттириш йўли-
дан бормоқдалар.
«Тошкент,— деган эди
Африка киносининг
пионери Полен Виэра,
— Ўш Африка мамла-
катлари киносанъат-
корлари учун ҳақиқий
дорилфундир».

БИЗНИНГ
ФОТОАРХИВИМIZДАН
СУРАТДА: VII Халқ-
аро Тошкент кинофестива-
лидаги учрашувлардан
бири (чапдан ўнгга) ре-
жиссёрлар Л. Фаизов,
А. Годой (Перу), Ш.
Аббосов ва оператор А.
Исмаилов.

Л. Глауберзон фотоси.

• САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

«МУЗИКА ҲАФТАЛИГИ — 84»

Шахримиз мактабларининг хор коллективлари, рақс ва чолгу ансамб-
лари, воқончелчилар, дуторчилар ва скрипкачилар ансамбллари Свердлов
номли концерт залига келган барча томошабинлари ўзларининг нафис
маҳорати, ижодий изланиши билан гоҳда мамун қилмоқдалар. Бу ерда
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганнинг 60
йиллиги ҳамда Совет ҳалқи Улуу Ватан уруши йилларида қозонган Гала-
басининг 40 йиллигига бағишланган Ўзбекистонда Бутуниттироқ XIII бо-
лалар ва ўсмирлар музика ҳафталиги давом этмоқда.

— Баҳор фаслининг
дастлабиди кунда Ўзе-
бекистонда Бутуниттироқ
болалар ва ўсмирлар
музика ҳафталигини
ўтказиш,— дейди таш-
килий комитет раиси,
Ўзбекистон ССР маориф
министрининг
ўринбосари Ж. Ш. Ша-
рипова,— республика
музика ҳафтада кувон-
чарли катта воқеадир.
Бу ҳафталик мактаб-
лар, мактабдан ташқа-
ри ва мактабгача ёш-
даги муассасалар бола-
ларини эстетик руҳда
тарбиялаш бўйича олиб
борилаётган улкан ижо-
дий ишнинг якуни
ўлароқ, янги истеъдод
эгаларининг чинакам
кўригига айланади.

1 мартдан 7 мартга
ча давом этадиган
«Музика ҳафталиги»
кўнгалари болалар бо-
ғчалари, музика ва умимий
ўрта таълим макта-
блари, мактабдан
ташқари болалар му-
ассасалари, олий ва ўрта
педагогика ўқув
юртлари, клублар, бо-
лалар уйлари ва мада-
ний саройларида, театр-
лар ва концерт зал-
ларида музика кечалари
ва учрашувлари,
комсомол ва пионер
қўшиқлари байрами,
симфоник асарлар оқ-
шоми, лекциялар, кон-
цертлар ўтказилади.
Ленин, партия, халқ
ҳақида асарлар янграй-
ди.

Ўқувчилар ва улар-
нинг ота-оналари учун
«Ленин ва музика»,
«Ўқувчиларни эстетик
руҳда тарбиялашда му-
зиканинг аҳамияти» ва
бошқа мавзуларда суҳ-
батлар ўтказилади.
Етти кун мобайнида
бутун республика бўй-
лаб шаҳарлар ва киш-
лоқларда, энг олис
маиляларда музика,
қўшиқ янграйди. Рақс-
лар авжига чиқади.

• Музей яниликлари

Мароқли лекциялар

...Сағнат музейи,
нинг лекциялар ўқиш
зали ўқувчилар билан
лиммолим. Ҳамма
санъат иштиёқида.
Биринкетин залдан
чироклар ўчиб экан,
да ранги тасвирлар
кўришиб, лекторнинг
ёқимли, киши эътибо-
рини ўзига қалб
этувчи нуқти келг
хона бўйлаб янграйди.
Санъат мухлислари
тасвир санъат ҳақи-
да лекция тингашлар.
ди.
Лекция бир соат да-
вом этди. «Ўзбекистон
тасвир санъати»
мавузуда ўқилган
лекция ўқувчиларда

ҲУҶЖАТЛИ ТЕЛЕКИНО ВОСИТАЛАРИ БИЛАН

Ўзбекистон кинема-
тографчилари ярат-
ган у санъат теле-
визион ҳужжатли
фильм ўтган йили «Ўз-

ГОЛИБИ

Ўзбекистон ССР Арх-
текторлар союз прези-
дентининг наватбдаги
йилгилишида. 1983 йил-
нинг энг яхши лойҳаси
учун эълон қилинган
республика конкурси
нинг натижалари кўриб
чиқилди. Конкурса рес-
публика пойтахти ва об-
ластлари марказларида
лояқатлаш ташкилот-
ларининг меъморлари ва
инженер-техник ходи-
млари кенг қўлмада ишти-
роқ этдилар. Конкурса
тақдими этилган ишлар
орасида янги шаҳар ва
кишлоқлар, ишчи посёл-
чалар, маданий-машии
ва ишлаб чиқариб объек-
тларининг ранг-баранг
лояқатлари бор. Улар-
нинг муаллифлари бу-
гунги кун кишиларнинг
ўсиб бораётган талаб-
эҳтиёжларини ҳар жи-
ҳатдан ҳисобга олишга
ҳаракат қилишган. Улар-
да меъморчиликнинг
янги аъёна ва ус-
лублари ҳам ўз ифода-
сици топган. Йилгилишида
жюри қарорига асосан
энг истиқболли лойҳа-
ларнинг муаллифлари
конкурс голиблари деб
тоқилди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР



3 мартда республи-
камиз пойтахтида фут-
бол бўйича Халқаро
ўсмирлар турнининг
тантанали очилиш ма-
расими бўлди.
Тошкентда ўтказила-
ётган Халқаро турнир
турнир тарихи тобора бо-
йиб бормоқда. Турнир
йилларида республика-
миз пойтахти ва Тош-
кентда ўтказилган
жаҳон чемпионатида
бронза медалини қўлга
киритган Чехословакия
командасининг аъзоси М. Немец,
Испанияда ўтказилган
жаҳон чемпионатида
бронза медалини қўлга
киритган Польша тер-
миз командасининг аъ-
зоси В. Матиски синга-
ри жууда кўп ўйинчи-
лар шу турнирда маҳор-
рат синовидан ўтишган
эди.

СУРАТДА: шахри-
миздаги 40-ўрта мак-
таб рақс коллектив-
ининг чўқиши.

Ўсмирлар баҳс бошлашди

Бул йилги аъёнавий
турнирда ҳам аввалги
йилларидаги тартибга
амак қилинади. Коман-
далар икки гурупада
баҳс юретилади. Би-
ринчи гурупага Болга-
рия, Польша, Финляндия,
Чехословакия,
СССР терма командалари,
иккинчи гурупа-
га Венгрия, Руминия,
РСФСР, Украина ва
Ўзбекистон терма ко-
мандалари киритилган.
Тантанали очилиш
маросимидан кейин
футбол бўйича Ўзе-
бекистон ўсмирлар тер-
ма командаси «Киб-
рай» стадионида Руми-
ния терма командаси
билан биринчи учра-
шуви ўтказди. Ҳисоб
очилмади — 0:0.

А. ОСИПОВ.



Энди Халқаро тур-
нир учрашувлари жа-
вали билан таништири-
миз.
РСФСР — Украина ССР,
«Тенстляшчин» — 11:00.
Ўзбекистон — Венгрия,
«Кибрай» стадиони —
11:00.
Болгария — Финляндия,
«Трантор» стадиони —
16:00.
Чехословакия — СССР,
Ўзбекистон ССР 5 йил-
лиги номли совхоз ста-
диони — 16:00.
7 МАРТ
Украина ССР — Ўзе-
бекистон ССР,
«Тенстляшчин» — 11:00.
1-2 ўрин учун, «Пах-
танор» стадиони — 15:00.

Утган йили Тошкентда
ўтказилган футбол бўй-
ича XIII Халқаро ўсмир-
лар турнири учрашувлари
ниҳоятда қизиқарли
бўлган.
СУРАТЛАРДА: аяш шу
турнир учрашувлардан
олинган лаҳзалар.
Р. Зағрадинов
фотолари.

Редактор

Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 TOШКЕНТ
SET O'QIMU

5 МАРТ, 1984 й.

8 МАРТ БАЙРАМИДА ҚАНДАЙ СОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ?

АТИРЛАР, СУМКАЛАР, СОАТЛАР, ҚУЙЛАКВОП ГАЗЛАМАЛАРМИ? БАЛКИ ПОБАВЗЛАЛАР ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИНДИР?

Агарда сиз 8 Март байрамини атаб волидан-меҳрибонингизга, рафинангизга ёки келиннингизга туғли соғва этакдан бўлсангиз, бу соғвалар уларга албатта манзур бўлишига шубҳаланманг.

ТУҒЛИНИНГ РАНГИНИ ТАМЛАШДА ШУБҲАЛАНАЯПСИМИ?

Ҳеч ҳаяжонланманг, хотин-қизларнинг бисотида муносиб кўстмалар ва қуйлақлар борки, уларга муносиб қўшимча буюмлар ҳеч қачон ортинчалик қилмайди. Янги поабвал хотин-қизлар учун ҳеч қачон ортинча бўлган эмас!

«ТАШОВУВЪТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
БАЙРАМОЛДИ САВДОС КУНИДАГИ МАГАЗИНЛАРДА ҚУЙДАГИЛАР КЕНГ ҚИЛАМДА СОТУВГА ҚУЙИЛГАН

ҳар кун ийиладиган ўртача пошналу туғлилар (Тошкентдаги 2-поабвал фабрикасида тайёрланган);
таглиги чармла, баланд пошналу туғлилар (Тошкентдаги 2-поабвал фабрикасида тайёрланган);
жигаррант ва қора тусли, енгил, найбасимон пошналу қудай туғлилар (Тошкентдаги 2-поабвал фабрикасида тайёрланган);
баланд ўрта ва паст пошналу ранг-баранг модел ва тусда ишланган енгил туғлилар;
баланд пошналу, ичи поролон астарли, оқ қизилдан то қора ранггача бўлган турли хил этниклар (Тошкентдаги 2-ва Фаргона поабвал фабрикаларида тайёрланган). Ваҳоси — 75 сўм;
ичидаги астари поролонли, таглиги ахлит «манка» материалли ва баланд пошналу, накта қўнжли этниклар. Ваҳоси — 55 сўм.



МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1 — Киров кўчаси, 23-уй;	— Халқлар дўстлиги про- пекти, 3-уй;
3 — Лисунов кўчаси, 1.	27 — Қорақамиш 1/4 масси- ви, Ҳасанов кўчаси, 14-уй;
4-а уй, 62-уй;	28 — Ш. Руствели кўчаси, 144-уй;
4 — Т. Шевченко кўчаси, 13-а уй;	29 — Тошкент трактор за- водининг 2-масиви, 25-уй;
5 — Жарқурғон кўчаси, 35- уй;	30 — Фарҳод кўчаси, (ша- ҳар ярмаркаси);
6 — Истиқбол кўчаси, 2- уй;	33 — Навоий кўчаси (шаҳар ярмаркаси);
7 — Новомосковская кўча- си, 17-уй;	34 — Юнусовод масиви, А-1 квартал, А. Доннш кў- часи, 55-уй;
10 — Луначарский маркази; 15 — Навоий кўчаси, (ша- ҳар ярмаркаси);	36 — Ғ. Гулом кўчаси, 33- уй;
17 — Навоий кўчаси, Мар- каз-4 квартал, 11-уй;	37 — Сергели масиви, сав- до маркази;
19 — М. Горький номили проспект 2/27-уй;	
23 — Ш. Руствели кўчаси, 43-уй;	

«ТАШОВУВЪТОРГ» (Телефон 48-09-90).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЗЗАТДА, ЭРКАКЛАР ХИЗМАТДА

Эркакларнинг шу кундаги бутун юмушлари хотин-қизларни ма-
нуи этишга қаратилган. Бу ўз-ўзидан тушунарли. 8 Март байрамини
қийинлашиб келмоқда. Ҳар бир байрам эса бу яхши кайфият, дўст-
лар билан учрашулар ва албатта эътибор ва ҳурмат белгиси бўл-
ган соғвалар тақдим этишидир.

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИНИНГ

«СОВГАЛАР» МАГАЗИНЛАРИГА ЧОРЛАЙМИЗ!
АТИРЛАР — ХОТИН-ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН
АНЪАНАВИЙ СОВГАДИР!

Нафис қиррали шийа идишларга қуйилган атирларда баҳор фас-
лининг дусири нафиси, ёздаги анвойи гуллар ва далаларнинг муат-
тар ҳиди аниқ туради. Биз кишининг найфилтини чоғ этакдан ба-
шанг, тантанали, изанилган, нафис, фусуқдор, ўзига хос исли
зийнат буюмларини танламайлик, уларнинг ҳаммаси атирларда у
ёни бу тарзда намоён бўлади: «Торжество», «Халқаро хотин-қизлар
куни», «Пиковая дама», «Русские узоры», «Ольга», «Красная Москва»,
«Рижская сирень», «Сувенир», «Ивушка» атирларида ана шу фазил-
латлар намоён бўлади.

Шу нарсани эслатиб ўтамизки қадимий қонда сариқ тусли аёл-
ларда янада енгил, майин, гул ҳиди аниқ турадиган атирлар, қо-
рачадан келган аёлларга эса экзотик, исин гулранга турадиган атир-
лар тавсия этилади.

Майда янчилган бежирим идишга солинган упа ўзининг хушбўй
ҳиди билан аёл кишининг ҳуснига-хусни қўлади.

Қош ва қовоқ учун мулкаланган туш бўғи қўзларга жозибалик
балик баҳш этиди, уларнинг жилосини оширади, кинриқни бўртти-
риб кўрсатади.

Парфюмерия бўлимида сизга «Особий», «Восток», «Любимый», «Ве-
река», «Пчелка», «Идеал» озунли кремлар; хушбўй исли совунлар
дишнингизга ҳавола қилинади.

РҲМОЛ — аёл кишининг бош ийим ҳисобланади, у ҳар қандай аёл кишининг ҳуснига-хусни қўлади. Жун, асетат, шо,
йи, напрол, шифон матосидан тайёрланган ёрчи гулли, чиройли
рҲмолла байрам либосида энг яхши қўшимча беак ўринини ўтайди.

РАНГ-БАРАНГ СУМКАЛАР КЕРАК
турмушимиз ва рҲзорилик учун катта-кичи, узун, калта бан-
ди, қора, жигарранг, сариқ, оқ рангли ҳар хил сумкалар керак
бўлади. Биз бу сумкаларни театрга ва ишга, командировкага ва
саяхатга бораётганимизда олиб кетамиз.

Галантерея бўлимида сиз мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва
чет эллардан келтирилган рҲмолла ва сумкаларни сотиб олишингиз
мумкин. Сумкалар қопқоғи апиладиган, занкирли ва қулфли, чирой-
ли фурнитур билан ишланган.

**«СОВГАЛАР» МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСНИ
МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**

8 — Олмазор масиви, 6. ва 7-уй;	проспекти, 5-уй;	18 — Луначарский шоссе- си, 123-уй;
12 — Халқлар дўстлиги		

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИ (Телефон 24-25-96).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИҲОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

БАЙРАМ КУНИГА АТАБ

ҲАР БИР АЕЛ ҲАР КУНИ ВА АЙНИҚСА БАЙРАМ КУНЛАРИ Э-
ВО КИЯНИШИНИ ЖУДА ҲАМ ЯХШИ КЎРАДИ.

Айниқса байрам кунларида шўх гулли узун қуйлақлар, жозибали
шол рҲмолла ва тўр тўрмали ёқалар аёл кишининг ҳуснига-
хусни қўлади.

Ясаниш, лебланиш мақсадида ийиладиган қуйлақлар ўнда
бир олам дилбарлик ва фусуқдорликни қамраб олган.

Ҳозирги пайтда қандай либослар одат тусига кирмоқда? Зебо
кийиладиган қуйлақларда дилбарлик романтик услуби ҳужумронлик
қилмоқда. Улар бир қатор кўрак бурмалар ёни тўғри бичимли
узун юбна билан бутун қоматни қоплаб турувчи қуйлақлар бўли-
ши ҳам мумкин. Бу қуйлақларни моделлаштириш жараёнида дил-
барлик услубининг классик бичимлари — мато ипининг қуйла-
қига бичилиши, кўрак бурма ва қат-қат ёқали, беллида бел-
боғли услубидан фойдаланиш мумкин.

Енг бичими ҳам турлича бўлади: реган, комбинацияланган ва
хлит бичими. Енгларнинг шакли — кўрак бурма, қайтарма ёқ,
чоклар ҳисобига янада тақомиллаштирилади. Бу қуйлақларнинг бўй-
ини атрофи ёқали, шунингдек ёқасиз ҳам бўлиши мумкин.

Қуйлақларнинг ёқаси томоқ остида ёпишиб турадиган, «у» ҳарфи
шаклида ҳам бўлиши мумкин. Қуйлақларнинг узунлиги турлича —
тазадан 4—5 см. пастрол, бозан тўғриқача тушади.

Қуйлақлар гағлама сотиб олаётганингизда, шу нарсаларга эътибор
берингиз, унинг ранги ёруғлининг қанчалик бўлишига қараб
ўзгаради. Шунинг учун ҳам оқшом қуйлақлари учун мато тахла-
наётганда энг яхшиши уни алектр ёруғида, бошқа либосларни
эса куннинг ёруғида қўздан кечириб олам.

Гулли гағламалардан киндан туриб кўриш кифоа эмас. Уларга
тайёр кийимларга назар ташлаганда, узондан туриб синчиқлаб
қараш керак бўлади. Ана ўшандagina фақат гағламанинг ранги
умумий ягона жозибата сингиб кетади. Сиз шу пайт гағламани
тўғри танлашининг уйдасидан чиқасиз.

Шундай қилиб сиз байрам либосини ўзингиз тикиб олишга жазм
этишингизми?

«Таштекстильшвейторг»нинг магазинларига марҳамат қилингиз!

**СИЗ ВА МАГАЗИНЛАРДА ҚУЙДАГИ ГАЗЛАМА
ВА ЛИБОСЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:**

Ранг-баранг гулли, сиздирга рангли ва гулли сунғий ва табиий
шойларни, синтетик, жун аралашган ва жун гағламаларни.
Агарда сиз тайёр либосларни афвал кўрадиган бўлсангиз, мага-
зинлардан ўзингизга монанд келадиган қуйдаги кийим-кечаларни
сотиб олинг.

милли ва европача фасонда кремплик, табиий ва сунғий
шойи, жун гағламалардан тикланган қуйлақлар. Ваҳоси — 10 дан
80 сўмгача.

Турли фасон ва тусдаги калта ва узун енгил блузоналар. Ваҳоси
— 10 дан 30 сўмгача;
тўғри бичимли, қат-қат жимжамали, кенг этагли юбкалар. Ва-
ҳоси — 20 дан 40 сўмгача.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1 — Ш. Руствели кўчаси, 13-уй;	10 — Олоё бозори;
6 — «Марказ-14» квартали, Ўзбекистон ССР 50 Янглиги проспекти;	18 — Октябрь бозори;
12 — М. Горький проспекти;	34 — Жангоб майдони; 40 — Халқлар дўстлиги проспекти, 34-уй.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (Телефон 78-72-42).

театр

НАВОН НОМЛИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 6/III да Чо-Чо-
Сан.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРА-
МА ТЕАТРИДА — 6/III да
Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕ-
АТРИДА — 5/III да Ёшликда
берган кўнги.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИР-
КИДА — «Экзотик фантазия»
аттракционнинг хайрлашу
гастроллари. Ўргатилган гамад-
риklar группаси (6/III да
16.00).

кино

5 МАРТДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ОРТИНГА БОҚ» — Фес-
тиваль (тоқ соатларда, телефон
32-78-02).

«СУЮНЧИ — Искра (жуфт
соатларда, телефон 39-14-59).

«ФИРТ ЁЛҒОНЧИ» — Чайка
(телефон 77-06-20), Ватан, Нукус
(телефон 46-70-69), Қозғонистон
(телефон 35-24-92), Восток (те-
лефон 91-14-61), М. Шайхзода
номли (телефон 42-39-74).

«БАРЧА КЎЛДУЗЛАР» —
Тошкент Советининг 50 йилли-
ги номли (жуфт соатларда, те-
лефон 78-47-25).

«СЕНИНГ МУҲАББАТИНГ»
— Тинчлик (телефон 53-86-07),
Ўзбекистон ССР 25 йиллиги
номли (телефон 53-85-87), К.
Ерматов номли (17, 20,00; те-
лефон 24-22-66), Янгибод
(18,30, 20,45; телефон 96-36-
21).

6 МАРТДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ОРТИНГА БОҚ» — Фес-
тиваль (тоқ соатларда, телефон
32-78-02).

«СУЮНЧИ — Искра (жуфт
соатларда, телефон 39-14-59).

«ФИРТ ЁЛҒОНЧИ» — Чайка
(телефон 77-06-20), Ватан, Нукус
(телефон 46-70-69), Қозғонистон
(телефон 35-24-92), Восток (те-
лефон 91-14-61), М. Шайхзода
номли (телефон 42-39-74).

«БАРЧА КЎЛДУЗЛАР» —
Тошкент Советининг 50 йилли-
ги номли (жуфт соатларда, те-
лефон 78-47-25).

«СЕНИНГ МУҲАББАТИНГ»
— Тинчлик (телефон 53-86-07),
Ўзбекистон ССР 25 йиллиги
номли (телефон 53-85-87), К.
Ерматов номли (11, 12, 14, 17,
20,00; телефон 24-22-66), Ян-
гибод (11, 13,30, 16, 18,30,
20,45; телефон 96-36-21).

М. Қоринқубов номдаги Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

8 Март Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланади
БУТУНИТТИҲОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР
КЎРИГИ-КОНКУРС ДИПЛОМАТИ ВА ЎЗБЕ-
КИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ
ЛАУРЕАТИ

**ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ»
АНСАМБЛИНИНГ**

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, ГҲЛСАРА ЕҚУБОВА

Бадиий сўз устаси
ҲАСАН ҲҲЛДОШЕВ

Солистлар: Қўзайиб ОТАЖОНОВ, Ҳатман АҲМЕДОВ, Ма-
влада ОПНАКУЛОВА, Фирюза СОЛИҲОВА, Маъмуржон МАД-
ВАЛИЕВ, Фирюза МИРҲАМИДОВА, Нуралла ЖҲМЕЗОВ,
Ратно ЖҲМАНИЕЗОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛУҒ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — Шоира ЭРМАТОВА олиб боради.
«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — ОРТИҚ ОТА-
ЖОНОВ.

БАЛЕТМЕЙСТЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган
артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати — Равшаной
ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — АСҚАРАЛИ ХИДИРОВ.

Ўзбекистон давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва
Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОВАНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Бутуниттиҳоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—
конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лау-
реати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балет-
мейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир
МҲМИНОВ.

Музика раҳбари — Исметулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.
Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

5, 7 март соат 16 ва 19.30 да,
6 март соат 19.30 да,
8 март соат 18.00 да,
9 март соат 20.00 да

К. ОТАНИЕЗОВ НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ
ФИЛАРМОНИЯСИ

АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ ВА ТУРКМАНИС-
ТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ТУРКМАНИСТОН ССРда
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
ҲАМРОУЛ ОДИЛОВ, ГАВҲАР МАТЕҚУБОВА
Солистлар: ҚАРОМИДДИН ҚҲЧҚОРОВ, ТҲЛИЛОВ ҲҲЛ-
ДОШЕВ, МАРАТ ЖҲМАБОВЕВ, ҲҲЛИЛОВ ЕҚУБОВА, ЖҲ-
МАНИЕЗ ОДАМБОВЕВ ва бошқалар.
Касса соат 10.00 дан очил.

ТВ

ДУШАНБА, 5. III

● МТ I

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сибирь ва Узок Шарқ буй-
лаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.25 Грузин куйлари.
17.00 «Россия ахвалаги».
17.30 «Горчилик, қаердасиз!».
18.00 Қонькида югуртиш спорти
бўйича жаҳон чемпионати,
Спринт. Норвегиядан олиб
кўрсатилади.
18.30 Енгил атлетика бўйича Евро-
па чемпионати. Швеция-
дан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.05 «Оловнинг бўйсундирили-
ши». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.00 «Оловнинг бўйсундирили-
ши». 2-серия.
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30—00.20 Концерт.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Совет Иттифоқига хизмат
қилмади». Тошкентдан
олиб кўрсатилади.
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 «Киш билан хайрлашу». «Ил
фаслери» туркумидан.
Фильм-концерт.
23.05 «Софья Головкина». Илмий-
оммабоп фильм.
23.30 — 00.20 «Советская жен-
щина» журналининг соври-
ни учун синхрон сузиш бўй-
ича халқаро мусобақалар.

● УзТ I

11.00 «Ахборот».
11.20—11.30 «Халқкорлар». Ҳуж-
жатли фильм («Ўзбектеле-
фильм»)
11.50 «Болаларнинг кўли». Теле-
фильм.
12.00—12.30 Болалар учун кон-
церт (текорий).

13.00 Янгиликлар.
13.30 «Сибирь ва Узок Шарқ буй-
лаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.25 Грузин куйлари.
17.00 «Россия ахвалаги».
17.30 «Горчилик, қаердасиз!».
18.00 Қонькида югуртиш спорти
бўйича жаҳон чемпионати,
Спринт. Норвегиядан олиб
кўрсатилади.
18.30 Енгил атлетика бўйича Евро-
па чемпионати. Швеция-
дан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.05 «Оловнинг бўйсундирили-
ши». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.00 «Оловнинг бўйсундирили-
ши». 2-серия.
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30—00.20 Концерт.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Совет Иттифоқига хизмат
қилмади». Тошкентдан
олиб кўрсатилади.
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 «Киш билан хайрлашу». «Ил
фаслери» туркумидан.
Фильм-концерт.
23.05 «Софья Головкина». Илмий-
оммабоп фильм.
23.30 — 00.20 «Советская жен-
щина» журналининг соври-
ни учун синхрон сузиш бўй-
ича халқаро мусобақалар.

● УзТ II

11.00 «Ахборот».
11.20—11.30 «Халқкорлар». Ҳуж-
жатли фильм («Ўзбектеле-
фильм»)
11.50 «Болаларнинг кўли». Теле-
фильм.
12.00—12.30 Болалар учун кон-
церт (текорий).

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Таллиннинг музикали ман-
заралари».
19.15 «Кўпгаб сифатли товарлар
етказиб берайлик».
19.45 — 20.30 «16 ёшгача ва
ундан катталар».
20.45 «Поэзия». А. Кулешов.
21.30 «Время».
22.05 «Трубяная кўчасидаги уй».
Бадиий фильм.
23.15—24.00 М. Жалил номли
Татар опера ва балет теат-
рининг солистлари куйлай-
ди.

● УзТ I

11.00 «Ахборот».
11.20—11.30 «Изнинг спорт дав-
римиз». Телефильм.
12.00 «Оқ Кема». И. Окунбобов
номли Еш томошабинлар
театрининг спектакли.
13.50 «Каягим». Фильм-концерт.
14.30 «Тенгдошларинг ижоди».
15.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсате-
ди. «Биз тинчлик тарафи-
доримиз». Республика
ижодкор ёшларнинг урушга
қарши митинги.
19.00 «Инсон ва қонуни» почтаси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Галлекорларнинг шу кунги
юмушлари».
20.00 Муборак шаҳар «Наргиз»
ансамблининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 В. Шекспир асари асосида
балет триптихи. СССР халқ
артисти, СССР Давлат му-
кофотининг лауреати Б. Ко-
рнева иштирокида А. Не-
воий номли Давлат акаде-
мик Катта театри спектак-
лининг премьераси ҳақида.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Сибирлик аёл». Бадиий
фильм. 2-серия.
23.15 Янгиликлар.
23.25 Фўтбол бўйича ўсмирлар
турнири. Ўзбекистон—
Венгрия. «Кибрай» стади-
нидан репортаж (ади-
олинган).

Республика «Гастроном» кон-
тореси коллективининг 16-магазин
директори Х. С. Сабдуллаева
онаси

Лутфи
СУЛТОНОВНИНГ
вафот этганига муносабати
билан чуқур таъзия илҳор қи-
лади.